# Сафга тизилгандан кейин ўқиладиган дуо

Image not found or type unknown

09:15 / 18.02.2025    2083

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши намозга келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни бошлаган эдилар. У киши сафга турганидан кейин:

اللَّهُمَّ آتِنِي أَفْضَلَ مَا تُؤْتِي عِبَادَكَ الصَّالِحِينَ

«Аллоҳумма атиний афзола ма туътий ъибадакас солиҳийн» (Эй Раббим, менга солиҳ бандаларингга берадиган нарсаларингнинг энг афзалини бер), деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни тугатганларидан сўнг: **«Ҳозирги гапирган ким?»** дедилар. Ҳалиги киши: «Мен, эй Расулуллоҳ», деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Отинг ўлдирилиб, ўзинг Аллоҳ йўлида шаҳид бўласан»**, дедилар.

*Насаий ва Ибн Сунний ривоятлари.*

*Бухорий ҳам тарих китобларида Муҳаммад ибн Муслимнинг таржимаи ҳолида шу ривоятни келтирганлар.*